

## INFORMATICS INDIVIDUALLY SYSTEM

**Abdullaev Mamayusup Kasimovich**

Termez State University,

Lecturer at the Department of Information Technology

**Abstract:** The article discusses the issue of taking into account individuality, which gives the maximum development opportunities for teachers when teaching informatics.

**Key words:** Student-centered learning, ability, motivation, individuality, standard

## ИНФОРМАТИКА ЎҚИТИШНИНГ ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТИЗИМИ

**Абдуллаев Мамаюсуп Касимович**

Термиз давлат университети,

Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада информатика фанини ўқитишда ўқувчиларнинг максимал ривожланиш имкониятини берувчи индивидуалликни ҳисобга олиш масаласи кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** шахсга йўналтирилган ўқитиш, қобилият, мотивация, индивидуаллик, эталон

**Аннотация:** В статье рассматривается вопрос учета индивидуальности, дающей максимальные возможности развития обучающам при преподавании информатики.

**Ключевые слова:** личностно-ориентированное обучение, способность, мотивация, индивидуальность, эталон

Жамиятни информатизациялаш жараёни ҳозирги пайтда педагогика фанлари олдида ўқувчи-ёшларни ўзларининг ўқув ва касбий фаолиятида ахборот технологияларини чуқур фикрлаб ва ижодий ёндашиб қўллай оладиган қилиб тайёрлаш вазифаларини кўймоқда. Бундай вазифани мувафаққиятли ечиш учун информатика фанини ўқитишнинг шахсга йўналтирилган тизимини тушунишда жуда муҳим бўлган ўқувчини индивид сифатида ривожлантиришга хизмат қиладиган энг қулай шарт-шароитлар яратиш талаб этилади.

Бунинг учун тизимни аввал лойиҳалаш ва ўқув юрти иш жараёнида амалга ошириш зарур. Бунда:

✚ шахсга йўналтирилган ўқитиш ўқувчининг индивидуал қобилиятларини (ёки муҳим жиҳатларини) очиш орқали ўқувчи шахсини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантиришини таъминлаши керак;

✚ информатикани ўқитишнинг шахсга йўналтирилган таълим жараёни ҳар бир ўқувчига унинг қобилияти, интилишлари, қизиқиши, субъектив тажрибасига таянган ҳолда уни билишда, ўқув фаолиятида, ўзини тутишида кўрсата олиши учун имконият яратиш керак;

✚ информатиканинг таркиби, унинг восита ва усуллари шундай танланади ва ташкил этиладики, бунда ўқувчилар фаннинг материаллини, унинг тузилиши ва шаклини танлай била олсин;

✚ информатикани ўқитишнинг шахсга йўналтирилган тизими критериял базаси ўқувчининг нафақат эришилган билими, уқуви, кўникмаси даражасини, балки аниқ бир интеллект (унинг хусусиятлари, сифатлари, ўзини кўрсата олиш характери)нинг шаклланганлигини ҳам ҳисобга олади [1-4].

Шахсга йўналтирилган тизимда педагогика, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ташкил эта туриб, алоҳида шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришини эмас, балки ташқи таъсирларнинг (педагог, жамоа, гуруҳнинг) етакчи ролини тан олади.

Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг моделлари билиш (интеллектуал) қобилиятларни ривожлантириш масалаларига хизмат қилади. Бу қобилиятларни ривожлантиришнинг воситаси сифатида ўқув фаолияти қаралади. Ўқув фаолияти ўз мазмуни ва тузилишига кўра “эталон” деб олинади.

Индивидуаллик инсон муҳим жиҳатларининг умумлашган характеристикаси ҳисобланади. Индивидуалликнинг намоён бўлиши инсоннинг ўзини бирор ўйин пайтида, билим олишида, меҳнат қилишида, спортда, шахсий илмлилиги сифатида индивидуал фаолияти стилини (услубини) аниқлайди. Инсоннинг индивидуаллиги тарбия жараёнида табиий ирсий белгилар асосида ва бир вақтнинг ўзида – бу инсон учун энг муҳим фаолиятининг ҳар-хил турларида ўзини-ўзи ривожлантиришида, ўзини-ўзи билишида, ўзини-ўзи намоён қилишида шаклланади [5,6].

Информатика ўқитишда индивидуалликни ҳисобга олиш деганда ўқувчиларда психологик жиҳатларнинг алоҳидалиги ва тақдорланмаслигини тан олган ҳолда, ҳар бир ўқувчининг максимал ривожланиш имкониятларини очиш, ривожланиш шароитини яратиш тушунилади.

Ҳозирги вақтда шахсга йўналтирилган ўқитишни тушуниш ва ташкил этиш асосида ҳар бир инсоннинг индивидуаллигини, ўз-ўзича эканлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг ривожланишини “коллектив субъект” сифатида эмас, балки аввало, ўзининг тақдорланмас субъект тажрибаси билан ажралиб турувчи индивид сифатида эканлигини тан олиш ётади.

Шахсга йўналтирилган ўқитишни амалга ошириш педагогикада йўналтирувчи стрела (ёй)ни ўқувчиларни ўқитишдан уларнинг индивидуал фаолияти сифатидаги ўқишларига, уларни тузатиб туриш ва педагогик қўллаб туришга томон ўзгартиришни талаб этади.

Бундай ўқитишни ташкил этиш ривожланиш йўналишини кўрсатишни эмас, балки унга зарур бўладиган барча шарт –шароитларни яратади.

Бу билан ўқитишнинг бажарадиган вазифаси буткул ўзгаради. Унинг вазифаси барча учун умумий, ягона ва мажбурий рухий ривожланиш чизигини белгилаш эмас, балки ҳар бир ўқувчига шахс сифатида ривожланиши учун, ўқувчидаги индивидуал қобилиятларини такомиллаштиришга бўлган бор билиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ёрдамлашишдан иборат.

Ўқув юртларида информатика фанидан шахсга йўналтирилган ўқитиш моделини амалга ошириш учун нималар қилиш керак?

✚ **Биринчидан**, информатика таълим жараёни концепциясини таълим ва тарбияни бирга қўшиб олиб бориш шаклида эмас балки, индивидуалликни ривожлантириш, қобилиятларни юзага чиқариш орқали таълим ва тарбиянинг ўз-ўзидан қўшилиб кетиши сифатида қабул қилиш зарур.

✚ **Иккинчидан**, таълим жараёни асосий иштирокчилари: раҳбарлар, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари характерини очиш зарур.

✚ **Учинчидан**, таълим жараёни самарадорлигининг критерияларини аниқлаш зарур [3].

Ўқув жараёни бир бутун дидактик тизим сифатида билимни беришга ва ташкил этишга, уни ўзлаштириш учун қулай шароитлар яратишга йўналтирилган. Ўқитишнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усуллари ўзаро узвий боғланган бўлиб асосий таълим мақсадига – ўқувчиларнинг уларни ўраб турган борлиқни билишлари учун хизмат қилади.

Шахсга йўналтирилган ўқитишни амалга ошириш янги педагогик ғояларни ишлаб чиқишни талаб этади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўқитишнинг шахсга йўналтирилган тизими замонавий ўқув юрғларида ўзига хос байроқ ролини ўтамоғи лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Зарипова, М. Д. Проблемы изучения предмета "Информатики и Информационных технологий" на гуманитарных специальностях высшего учебного заведения / М. Д. Зарипова, С. С. Кулматова // Высшая школа. – 2016. – № 20. – С. 46-48.
2. Арипов М.М., Зарипова М.Ж., Юсупова Д.А., Хасанов А.А. "Проблемы преподавания информатики и информационных технологий гуманитарным специальностям в вузах". Республика илмий-техник анжумани, Қўқон, "Узлуксиз таълим тизимида математика ва информатика фанларини ўқитишни такомиллаштириш масалалари" 2012 йил, апрель. 142-144 бетлар.
3. Арипов М.М., Зарипова М.Ж. "Непрерывное образование по курсу Информатика" (12-14 декабрь, 2011 йил) VI Международная научно-практическая конференция, Москва, «Современные информационные технологии и ИТ-образование».
4. Zaripova M.D. Problems of informatics and information technologies to humanitarian specialties in higher education institutions // Журнал научных и прикладных исследований, 2016, - №12 (47), – С. 135-137.
5. Зарипова М.Д., Бойматова Д.О. Таълим сифатини баҳолашнинг хориж тажрибаси // Science, Research, Development #25 Economy. Management. State and Law. Berlin: 2020, - С. 42-45.
6. Зарипова М.Д. Компетентлик ёндашуви асосида таълим сифатини таъминлаш ва уни баҳолашнинг математик методлари // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива: - 2020, - №3 (2), - Б. 94-100.